

ЎЗБЕКИСТОН - ЭРОН АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

Юсупова Динора Акмал қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Аннотация: Шарқ халқларининг муштарик адабий алоқалари ёритилган мазкур мақолада Ўзбекистон ва Эрон адабий алоқалари ёритиб берилган. Моворауннахрнинг кўплаб ноёб асарлари форс ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Ва бу орқали мамлакатлар ўртасида маданий ва адабий алоқалар ривожланган. Мазкур мақолада мамлакаъларимиз ўртасидаги адабий алоқалар ёритиб берилган.

Калит сўз: қардош ва қондош халқлар, улуғ шоир ва мутафаккирларнинг ижоди, маънавий маданий мерос, мифологик эпос, назм ва наср.

Аннотация: Данная статья, посвященная общим литературным связям народов Востока, проливает свет на литературные связи между Узбекистаном и Ираном. Многие уникальные произведения Моворауннахра переведены на персидский и узбекский языки. И благодаря этому между странами развивались культурные и литературные связи. В данной статье описываются литературные связи между нашими странами.

Ключевые слова: родственные и родственные народы, произведения великих поэтов и мыслителей, духовно-культурное наследие, мифологический эпос, поэзия и проза.

Abstract: This article, dedicated to the general literary connections of the peoples of the East, sheds light on the literary connections between Uzbekistan and Iran. Many unique works of Movoraunnahr have been translated into Persian and Uzbek languages. And thanks to this, cultural and literary ties developed between the countries. This article describes the literary connections between our countries.

Key words: related and kindred peoples, works of great poets and thinkers, spiritual and cultural heritage, mythological epic, poetry and prose.

Форс тилида яратилган мумтоз эпик ва лирик шеърят ягона бир халқ намояндаларига мансуб эмас. Бу жаҳоншумул аҳамиятга молик бадиий мерос турли қардош ва қондош халқларнинг улуғ вакиллари томонидан барпо этилган ва бугунги кунда Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Тожикистон халқлари қатори Ўзбекистонда ҳам бу бебаҳо маънавий бойлик ўз салмоқли мавқеига эга. Уни ҳар томонлама ўрганиш, халқ мулкига айлантириш шарқшунос манбашуносларнингга масъулиятли вазифа юклайди.

Тарихга назар ташласак, ўрта асрлар форсийзабон адабиётининг худудий қамрови нафақат ҳозирги Эрон давлати доираси билан, балки ҳозирги Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Тожикистон чегараларигача бориб етган. IX аср охирларидан Мовароуннахр, Самарқанд ва Бухорода шакллана бошлаган бу улкан шеърят мактаби йиллар ўтиб ўз кўламини кенгайтди, шимоли-ғарбда ҳозирги Кафказorti ўлкалари, жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистон ўлкалари билан уйғунлашиб кетади.

Адабий алоқалар ҳақида сўз кетар экан, ўрта асрларда Шарқ халқлари, айниқса, туркий халқлар, араб ва ҳинд халқлари адабиёти билан яқин адабий алоқалар ўрнатилиши натижасида форс-тожик адабиётининг шухрати янада ошганини эслаб ўтиш жоиз. Шунингдек, ушбу тилдаги адабиётнинг катта ҳудудларда кенг ёйилишида бошқа Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи ҳам катта ҳисса қўшди. Форсий адабиётнинг Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Бадриддин Ҳилолий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Зебуннисобегим, Мирзо Ғолиб каби ўнлаб йирик намояндаларининг ижоди бунга яққол мисол бўла олади.

Шу нуқтаи назардан, форс-тожик адабиёти нафақат форсийзабон халқлар учун, балки минтақадаги бошқа халқлар учун ҳам кадрли эканлигини исботи сифатида Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Умар Хайём, Фаридиддин Аттор, Жалолоддин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Сойиб Табризий каби улуғ шоир ва мутафаккирларнинг ижодида кўришимиз мумкин. Юқорида номлари келтирилган буюк алломаларнинг асарларини бугунги кунда ўзбек халқи ҳам севиб мутолаа қилиши миллатлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг муштарақлигининг бир исботидир.

Шарқ халқлари адабий алоқалари ривожига халқ оғзаки ижодининг ўрни ҳам бекиёсдир. Эрон минтақаси халқларининг оғзаки бадиий ижодининг тарихий асослари қадим замонларда яшаган аждодларнинг архаик тасаввурлари асосида юзага келган мифологик эпосга бориб тақалади. Бу ҳудуд халқлари бадиий даҳосининг бениҳоя улкан салоҳияти туфайли яратилиб, асрлар давомида бугунги кунга қадар ўзининг кадрини йўқотмай келаётган “Минг бир кеча” эртакларига асос бўлган "هزار افسانه" сингари халқ эртаклари инсоният маънавий маданий меросининг нодир дурдоналари сифатида Шарқу Ғарб халқлари маънавиятининг ривожига катта ҳисса қўшиб келган. Эрон фольклори бошқа шарқ халқлари фольклори сингари ўз халқи дунёқарашини, маънавий оламини ўзида мужассамлаштирган буюк қадриятлардан биридир.

Ўзбекистон ва Эрон адабий алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ўринда таржима адабиётининг ўрни бекиёсдир. Маълумки, таржима адабиёти қадимий соҳлардан бири бўлиб, Шарқ ва Ғарб адабий ва маданий алоқаларида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Таржима соҳаси бугунги кунда янги маъно ва моҳият касб этиб бормоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги дунё адабиётини таржима санъатисиз ва ўз ўрнида адабий алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач бу соҳага кенг йўл очиб берилди. Йигирма йилдан ошиқ муддат ичида бадиий таржима соҳаси маъно ва моҳият жиҳатидан янгиланишлар сари юз тутди, турфа халқларнинг бадиий адабиётлари, улар хоҳ насрда бўлсин, хоҳ назмда адабиёшунослар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва бу фаолият ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда.

Шарқ халқлари, хусусан Эрон адабиёти бу борада салмоқли таржима ишлари амалга оширилди. Мумтоз форс адабиётининг нодир дурдоналаридан тортиб, замонавий давр адабиётига оид асарларнинг ўзбек тилидаги моҳирона таржималари бугун ўзбек халқининг кўнглидан чуқур ўрин эгаллаб бормоқда. Халқаро Фирдавсий мукофоти лаурияти, устоз Шоислом Шомухамедовнинг форс мумтоз классик

шоирлари ижодидан таржималари, хусусан, “Рудакий ва Бобо Тоҳир шеърятидан” таржималари, Умар Ҳайём рубоийлари, Ҳофиз Шерозий ғазаллари таржималари таҳсинга сазовордир. Форс мумтоз шеърятининг устунларидан бири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сини ўзбек тилига таржима қилган олим Ҳомиджон Ҳомидийни ҳам алоҳида эътироф этиб ўтиш зарур. Устознинг “Шоҳнома” юзасидан қилган бир нечта таржималари ўзбек китобхонлари томонидан кутубхонасидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек халқининг сеvimли шоирларидан саналган Умар Ҳайём, Рудакий, ижодини таништиришда ўзбек олимларидан Шоислом Шомухамедов, Нажмиддин Комилов, Суюма Ғаниева, Эргаш Очилов, Жамол Камол ва Асқар Маҳкамларнинг хизматлари беқиёсдир. Жамол Камол таржималарига алоҳида диққат қаратсак, Румийнинг “Маснавий-э маънавий” ҳамда Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарларини ўзбек тилига қилган моҳирона таржималари адабиёт ихлосмандларини таҳсинига сазовордир. Олимжон Бўриев томонидан Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол” дostonлари, Низомий Ганжавийнинг “Ҳикоятлар”, “Хусрав ва Ширин” “Лайли ва Мажнун” дostonлари, Ҳофиз Шерозийнинг мухтасар ғазал девони ҳам ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилинган. Мана шу ютуқларнинг давоми сифатида бугун ҳам самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Форс адабиёти намуналари ўзбек адабиётшунос олимлари томонидан моҳирона таржималар амалга оширилмоқда. Хусусан, форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарга назар ташласак, Қуронбеков Аҳмадкул томонидан Муҳаммадали Жамолзоданинг “Унинг кўзлари” романи, Асқар Маҳкамнинг “Шамс Табрзий ғазаллари” таржимаси, Шокиржон Олимов замонавий форс адабиёти намояндалари Амузода Халилийнинг “Булоқчанинг сафари”, Розия Тужжорнинг “Ҳам олма, ҳам юлдуз” ҳикоялар тўпламларини, Ойдин Турдиева эса адиба Зўйро Пирзоднинг бир қатор ҳикояларини таржима қилдилар. Мушоҳада доираси ва илмий фикрлаш кўлами кенг бўлган мазкур олимлар ҳам мумтоз, ҳам замонавий форс шеърят соҳасида самарали таржима ишларини адабиётшунослар эътиборига ҳавола этиб келмоқдалар.

Форс насрининг пойдеворлари Муҳаммад Жамолзода, Содик Ҳидоят, Бўзўрг Алавий, Содик Чубак, Абулхусайн Нушин, Эҳсон Табарий, Аҳмад Содик каби ёзувчиларнинг асарлари ҳам эроншунос-адабиётшунослар томонидан таржима қилиниб, адабиёт ихлосманларига тақдим қилинмоқда.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎЙХАТИ:

1. Хўкукий. М. Адабиёте эмрузе Ирон. Техрон, 1998
2. Эрон адабиёти хрестоматияси (Тузувчилар Ж.Э. Хазратқулов, М.Ш. Абдусаматов), Тошкент, 1992
3. История персидской литературы XIX-XX веков. Москва, “Восточная литература”, 1999
4. Алиев С.М. История Ирана XX век. Москва ИВ РАН -2004